

Ҳадис дарси (68-дарс). Жаннатнинг калити тишсиз бўлмайди



13:17 / 15.01.2020 7280

Юқорида 67-дарсимиздаги ҳадисда Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бир киши «Лаа илааҳа иллаллоҳу, Муҳаммадур Расулуллоҳ» деб чин қалбдан шаҳодат келтирган бўлса»,** демоқдалар.

Уламоларимиз «Чин қалбдан» деганларидан мунофиқларнинг шаҳодати ўтмаслиги тушунилади, дейдилар. Худди шу ибора билан бошқа жойларда гапнинг амалга мос келиши ҳам ифода қилинган.

Айни пайтда, бундан «Шаҳодат калимасини айтганларнинг барчаси дўзахга тушмайди», деган маъно эмас, балки «Чин қалбдан айтганлари, яъни айтганини амал билан тасдиқлаганлари кирмайди», деган маъно

чиқади, дейдилар. Чунки бошқа далиллар тавҳид аҳллариинг осий бўлганлари дўзахга тушишни таъкидлайди.

Демак, тавҳид аҳлидан ким дўзахга тушиши, ким тушмаслиги аниқ. Шунинг учун Муоз розияллоҳу анҳуга бу гапни одамларга айтишга изн берилмади.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Шаҳодат калимасининг улуғ нарса эканлиги.
2. Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳунинг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларида мартабалари баланд эканлиги.
3. Устоздан, раҳбардан иккиланган нарсасини сўраб олиш, одамларга айтиш-айтмасликни аниқлаб олиш зарурлиги.
4. Фаҳмли, ақлли кишиларга кўпчиликка айтиб бўлмайдиган гапни айтиш мумкинлиги.
5. Латиф маъноларни тушунмайдиган, калтафаҳм, илмсиз кишиларга қийин маъноли гапларни айтмаслик.
6. «Лаа илааҳа иллаллоҳу, Муҳаммадур Расулуллоҳ» деган одам дўзахга кирмайди, каби гапларни одамларга айтавермаслик кераклиги.

Имом Бухорий ривоят қиладилар:

«Улуғ тобеъинлардан Ваҳб ибн Мунаббихга:

«Лаа илааҳа иллаллоҳу» жаннатнинг калити, дейишади?» дейилганда, у киши:

«Ҳа, албатта, калит тишсиз бўлмайди. Агар тиши бор калит олиб келсанг, сенга очилади. Бўлмаса, очилмайди», деган эканлар.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан